

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Тошкент Кимё-технология институти

РЕФЕРАТ

Мавзу: Хувайдо мебель

Гуруҳ: 25-10
Бажарди: Убайдуллаев Д
Текширди: Гулямова Н.С.

Тошкент 2011

ХУВАЙДО МЕБЕЛЬ

Хувайдо мебеллар фабрикасига 1993 йилда Носирхўжа Валихўжаевич ҳамда Махмуджон Мадраимовичлар томонидан асос солинган. Хувайдо мебель ўз фаолиятини юмшоқ мебеллар таъмирлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришдан бошлаган. Хувайдо мебеллар уйи шаҳримизнинг Беруний даҳасида, Ўзбекистон маҳалласида жойлашган. Асосий олди-сотди дўкони Берунийда, филиаллар эса шаҳримизнинг Чилонзор, ҳамда Чорсу дўконларида халқимизга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хувайдо мебел бошқа мебел фабрикаларидан ишлаб чиқариш тезлиги, юқори сифат, ҳамда қониқарли нархлари билан ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш юмшоқ мебелдан бошланиб йиллар давомида халқимиз талаб ва таклифига биноан фабрикада майда ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритишни бошлади. Улардан: Ошхона мебеллари, Ётоқхона, Меҳмонхона мебеллари, Офис

учун мебеллар, шпонланган, краскаланган хона эшиклари, Болалар мебел жихозлари, Кроватлар учун тўшаклар ишлаб чиқарилади. Шу жумладан буюртмаларга асосан хоналарга ўша жойга, буюртмага асослаб мебеллар ясалади.

Бундай буюртмаларни мижоз кўнглидагидай қилиб, унга тақдим этишда, сифат ва тезлик ҳамда фабрика ишчиларини ўйлаб уларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида энг сўнгги моделдаги аппаратура ва станоклар дунёнинг кўзга кўринган фирмаларидан олиб келиб ўрнатилган. Шу жумладан мижозларга қулайлик яратиш мақсадида сотиб олинган мебелларни жойига, манзилига безарар етказиш мақсадида етказиш ва йиғишни ўз зиммасига олган. Таниқли ва жуда катта тезликка ҳам жуда кўп функцияга эга бўлган станоклардан бири жуда катта тезликда хотирасига киритилган турни ўлчаш ва чуқурликдаги гуллар, нақшлар, суратлар тушириш яъни ўйиб тушириш хусусиятига эга. Улар қаторида икки тарафлама тиғли арра, повер, пресс, қўл повери

ва қолган турни станоклар ишлаб турибди. Ишчилар соғлиги ўйланган ҳолда ҳар бир станок, ҳамда ҳар бир цехга чанг ва ифлос ҳаво тортиб олиш учун катта бункерлар яъни чангютгичлар қўйилган. Шу жумладан ҳар бир ишчи пешин вақтида 1 ва 2 тасидан бахраманд бўлиб бир соат давомида дам олади. Байрам ва турли хилдаги тадбирлар шаҳримизнинг Беруний даҳасида жойлашган Хувайдо Банкет залида ўтказилади.

Энди қисқача Хувайдо мебел цехларидан бири Шпон цехига алоҳида тўхталсак.

Шпон цехи Хувайдо фабрикасида 5 йилдан бери 30 га яқин ишчиси билан фаолият юритмоқда. Шпон цехи асосан миждозлар буюртмаларига асосан иш олиб боради. Яъни, Шпонланган хона эшиклари, шпонда ошхона мебеллари, офис, меҳмонхона мебелларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Шпон ўзи нима? Шпон ёғочдан олинадиган ҳомашё бўлиб, тахтани катта-кичиклигига қараб турли узунликда бўлади. Шпон буғ ёрдамида тахтадан

қалинлиги 2-4 мм бўлган қоғозсифат хом-ашё. Шпон МДФ, ДСП хатто бошқа ҳилда ёғочларга пресс ёрдамида ёпиштирилади. Шпон ёпиштирилган деталларни турли ҳилдаги лаклар ва бўёқлар билан обработка қилса бўлади. Шпон деталга пресс ёрдамида ёпиштирилганда меъёрдан ортиқ елим яъни клей суртиш тавсия этилмайди. Меъёрдан ортиқ клей Шпон юзасига сингиб чиқиб, лак ҳамда бўёқларда ишлашни оғирлаштиради. Шпонлар турли ҳилдаги дарахтлардан хаттоки илдизлардан ҳам олинади. Дарахт илдизидан олинган Шпон жуда қиммат ҳисобланади. Шпон: Дуб, Ёнғоқ, Қизил Дарахт, Бук, Яшил ҳамда уларнинг илдизларидан олинади.